

Gazeta
1997 yil
27
avgustdan
chiqa
boshlagan

НУҚУҚ

Mustaqillik
huquq
demakdir

№ 6 (174),
7 - 13 fevral
2001 yil

YURIDIK GAZETA

СЎЗ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ МИР АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИГА

560

ЙИЛ ТЎЛДИ



Адл айлаки, ул халқ ҳаёти

бўлмиш,

Хуш ул кишиким, адл сифоти

бўлмиш,

Ҳам мулк била адл жиҳоти

бўлмиш,

Ҳам адл билан мулк саботи

бўлмиш.

Хафтанинг

муҳим воқеалари

29 январь

Олий Мажлис кенгаши-нинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис кўмиталари ва комиссиялари қонунчилик ҳамда назорат-таҳлил фаолиятининг жорий йилга мўлжалланган режаси лойиҳаси муҳокама қилинди.

Брюсселда "Ўзбекистон — Европа Иттифоқи" Ҳамкорлик кенгашининг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон делегацияси раҳбари, Ташқи ишлар вазири А. Комилов раислик қилган ялпи мажлисда томонлар мамлакатимиз ва Европа Иттифоқида айна пайтдаги сиёсий воқеалар ривожини муҳокама қилинди.

1 февраль

Ўзбекистон ҳукумати томонидан табиий офатдан жабр чеккан Ҳиндистон аҳолисига инсонпарварлик ёрдами ажратиш тўғрисида махсус фармойиш чиқарди. Мазкур ҳужжат асосида ажратилган инсонпарварлик ёрдами Республика Фавқуллодда вазиятлар вазирлиги вакиллари томонидан Аҳмадобод шаҳрига етказиб берилди.

2 февраль

Нукусда Куйи Амударё воҳасида юз берган кургоқчилик билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириш ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Президентнинг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Ушбу сонда

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ
ҚАДР ТОПАР



«ХОЛИС БАҲОНИ ОДАМЛАР БERAДИ»

4

BEKOP БЎЛГАН
ЎЛИМ ЖАЗОСИ



«ДАДАЖОНИМНИ ҚАЙТАРИБ BЕРИНГ!»

5

BIP ШИКОЯТ
ИЗИДАН



BEҚAPOP ҚAPOPЛAP

6

«**HUQUQ**»

YURIDIK GAZETA

Ta'isichilar

O'zbekiston Respublikasi
prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida»
jurnali

Bosh muharrir:
A.ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov,
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34

E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar egalariга
qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta andozasi tahririyat
kompyuter markazida
Pentium-II MMX - 333
kompyuterida sahilandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
konsemi bosmaxonasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.
Korxonaning manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Taron ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 2149
Nusxasi — 27354

Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00
Bosmaxonaga
topshirildi 18.15

Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi
Navbatchi muharrir
H. NISHONOV
Navbatchi N.MAHMUDOV
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

ТҲЙХАТ

АЖИБ САОДАТ

Хазрат Навоийнинг
*Бу гулшан ичра йўқтур бақо
зулига сабот,*

*Ажиб саодат эрур чиқса яхши-
лик билан ол,*

деган ажиб сатрлари бор.
Бу пурмаъно байтни улуг бобока-
лонимиз бундан олти аср илгари
битганлар. Мана, орадан юз йил-
ликлардан олтитаси ўтибди ҳамки,
унинг мазмун-моҳияти заррача
бўлса-да аҳамиятини йўқотгани
йўқ. Негаки, яхшилик барча за-
монларда ҳам одамнинг олий
фазилатларидан бири ҳисоблан-
ган.

Яқиндагина кутлуг 60 ёшга
қадам кўйган Навоий вилоят про-
курори, 3-даражали Давлат ад-
лиги маслаҳатчиси, республика-
миздаги ҳуқуқшуносларнинг сар-
дорларидан бири Ботир Ҳамзае-
вич Калонов шаънига демокчи
булганларимизни бежизга улуг
бобомизнинг юқоридаги ҳикмат-
ли сўзлари билан бошламадик.
Негаки, одамларга яхшилик ула-
шиб, «ажиб саодат»га эришиш
йўлида ҳамон меҳнат қилмоқда-
сиз. Ботир Ҳамзаевич!

Истиклолимиз эндигина атак-
чекка қилаётган бир дамда Сизга
катта ишонч билдирилди. Мамла-
катимиз иқтисодиётида муҳим

аҳамиятга эга бўлган, республи-
камиздаги энг йирик вилоят
бўлган Навоий вилоятига проку-
рор этиб тайинландингиз. Яхши
биласиз, ўша пайтлари вазият
бирмунча мураккаб эди. Айниқса,
Навоийдек кўп миллатли вилоят-
да миллатлараро низолағра йўл
қўймаслик, осойишталикни сақ-
лаш ҳамда жиноятчиликка қарши
курашиш катта жасорат, матонат-
ни талаб қиларди. Сиз олдингиз-
да турган ана шундай масъулият-
ли вазифаларни фуқаролик бур-
чингиз сифатида шараф билан
адо этдингиз, мустақиллигимиз
ҳимоячиси сифатида гавдалан-
дингиз, Ботир Ҳамзаевич!

Устозлар ҳақида нобоп гап ай-
тадиган шогирдлар йўқ ҳисоб.
Зеро, бир касбни ўргатган, ҳаёт
сўқмоқларидан олиб ўтиб, дунё-
ни танитган инсонга таъзим бажо
этиш, хурматини жойига қўйиш
ҳам чин инсоний фазилат. Сиз
қалблари меҳр тафтини тотган
ана шундай юзлаб шогирдларга
устозсиз, Ботир Ҳамзаевич!

Иттифоқо, Сиз билан оддий
одамлар ўртасида ўтказилган уч-
рашувлардан бирига гувоҳ бўлдик.
Чекка тумандаги жамоа ҳўжалиги
айвони ишчи-хизматчилар билан
лиқ тўлган. Негадир бу тадбир



«одам йиғиш» йўли билан ўткази-
лаётган учрашувларга ҳеч ҳам
ўхшамасди. Одамларнинг юз-
кўзларидаги ҳаяжон, ҳайрат ке-
чагидек эсимизда. Кейин саба-
бини билсам... улар «оддий одам-
лар тарафдори» дея таърифингиз
оғиздан-оғизга ўтган Сиз адолат
ҳимоячиси билан юзма-юз учраш-
ган ошиққан эканлар.

Йиғилиш тугагач, бир зумда
атрофингизни одамлар ўраб олди.
Улардан бири ҳатто «шу ёшга ки-
риб, шунча йил ишлаб вилоят
прокурори, бунинг устига гене-

рал мундиридаги ҳуқуқ ҳимоячи-
си оддий фуқаролар ҳузурига кел-
ганлигини қурмаган»лигини ҳам
яшириб ўтирмади. Сиз ана шун-
дай оддий одамлар орасида обрў-
этибор тоғансиз, Ботир
Ҳамзаевич!

Бугун кутлуг олтмиш ёш-
дасиз. Шу кунларда Ўзбеки-
стон Республикаси Бош проку-
рорининг буйруғига асо-
сан «Прокуратуранинг фах-
рий ходими» кўкрак нишони
билан тақдирланганингиз
ҳам Сизнинг камтарона меҳ-
натларингизга берилган му-
носиб баҳодир.

Айни кунларда Сиз Наво-
ий вилоят прокурори лаво-
зимидда фаолият кўрсатмоқ-
дасиз. Фуқароларнинг ҳақ-
ҳуқуқларини, давлатимиз-
нинг манфаатларини ҳимоя
қилиш билан бирга аҳил жа-
моангизда кўплаб ёшларга

мураббийлик қилмоқдасиз. Шо-
гирдларингизга, касбингизни да-
вом эттираётган фарзандларин-
гизга ўзингиз тутган йўлнинг пас-
тидан оғиздан-оғизга ўтган Сиз адолат
қадрлашда. Шу фази-
латлар Сизга мудом ёр бўлсин,
доим соғ-саломат бўлинг, олт-
мишдан ошсангиз-да ҳеч вақт
ҳориманг, Ботир Ҳамзаевич!

**Бир гуруҳ
дўстларингиз
ва шогирдларингиз**

**Ватанимизнинг эртани кунини, шунча машаққат-
лар чекиб қилган ишларимизнинг мевасини
кўрмоқчи бўлган, ўз зурёдларининг бахту иқбо-
лини истайдиган одам — у ким бўлишидан, қан-
дай лавозим эгаси эканидан қатъи назар, бу ма-
саладан четда турмаслиги керак. Бугун бу ўта
муҳим масалага бепарво қарашга, лоқайд
бўлишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.**

Ислом КАРИМОВ

**ОГОҲЛИК****ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ХОДИМЛАРИ
ЎҚУВЧИЛАР ҲУЗУРИДА**

Қашқадарё вилоятининг Бешкент шаҳрида «Ди-
ний экстремизм ва ислом ақидапарастлигининг
ёшлар тарбиясига салбий таъсири ва unga қарши
кураш» мавзусида илмий-амалий конференция
ўтказилди.

Конференцияда барча туман, шаҳар халқ таъ-
лими бўлимларининг услубчилари, тарих, давлат
ва ҳуқуқ асослари фани ўқитувчилари иштирок
этишди. Конференцияни вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси Д. Маъдиев олиб борди. Унда
вилоят халқ таълими ходимлари малакасини оши-
риш институти ижтимоий билимлар кафедраси
муdiri Э.Шодмонов, туман прокурори Ж.Ҳайда-
ров, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси
С.Йўлдошев, туман ИИБ бошлиғи ўринбосари У.Иб-
роҳимовлар маъруза қилишди.

Халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда
ўтказилган ушбу конференцияда ҳуқуқий таълим-
ни яхшилаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари,
маҳалла, жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини
мустаҳкамлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қасби туман прокуратураси ҳузуридаги «Ҳуқуқий
маърифат» хонасида туман мактабларининг дав-
лат ва ҳуқуқ асослари ўқитувчилари билан семи-
нар машғулоти ўтказилди.

Семинар машғулоти туман прокурори М.Пар-
монов олиб борди. Машғулотларда иштирок этган
ўқитувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга
жавоб олдилар. Шунингдек, давлат ва ҳуқуқ асо-
слари фанининг ўқитилишини такомиллаштириш
хусусида қизгин мунозаралар бўлиб ўтди.

(Ўз мухбиримиз.)

ТЕЛЕАНОНС**«ҚОНУН ҲИМОЯСИДА» — «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИДА**

«Қонун ҳимоясида» телегуруҳи жорий йилда
ўз кўрсатувлари таъсирчанлигини ошириш бо-
расида ижодий изланишлар қилмоқда. Телегу-
руҳ томонидан тайёрланган кўрсатувларнинг
барчаси бу йил Ўзбекистон телевиденисининг
«Ёшлар» канали орқали намойиш этилади.

Телегуруҳ ижодкорлари навбатдаги кўрса-
тувни эфирга тайёрлаш устида иш олиб бора-
яп-

тилар. Кўрсатувнинг бу йилдаги илк сонида
Хоразм вилоят прокуратураси идораларининг
қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка
қарши кураш борасида олиб бораётган ишлари
хусусида ҳикоя қилинади.

Маъруза кўрсатув 17 февраль кун «Ёшлар»
телеканалининг кечки дастурлари орқали на-
мойиш этилади.

Моҳият

*Саховатнинг энг
буюк жасурликлари
ватанга муҳаббат
туфайли юзага ке-
лади.*

Ж.Ж.РУССО

«ПРОКУРАТУРА ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

КЎП ЙИЛЛИК АМАЛИЁТ
ҲИСОБГА ОЛИНИШИ
ЗАРУР

Кейинги йилларда республикада кўплай ўзгаришлар юз берди. Мамлакатимизнинг иқтисодиёти, маънавияти ҳамда ижтимоий ҳаётида улкан муваффақиятлар қўлга киритилди. Шунингдек, ўтган ўн йил давомида қонунчилик соҳасида ҳам салмоқли ўзгаришлар юз берди. Бир қанча янги қонунлар қабул қилинди, айримлари янги тахрирда ишланди.

Маълумки, 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган "Прокуратура тўғрисида"ги қонун 56 моддadan иборат бўлган бўлса, янги тахрирдagиси 47 моддани ўз ичига олган.

Янги тахрирдаги қонун лойиҳаси хусусида аввало шу нарсани айтиш керакки, унинг 7-моддасида прокуратура органларининг жиноятчиликка қарши курашни ташкил қилиш ва қонунчиликни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги анча мукамал тарзда баён этилган. Прокуратура идоралари фаолиятида ошқораликка, фуқароларнинг муносабатларига эътибор қучайтирилаётганлиги инobatта олинадиган бўлса, шу жиҳатдан мазкур модда муҳим аҳамияти касб этади.

Лойиҳа билан танишар эканман, прокуратура идораларининг кўп йиллик амалиётини ҳисобга олган ҳолда унга айрим қўшимчалар, ўзгаришлар киритиш лозим, деган фикрда қуйидаги тақлиф, фикр-мулоҳазаларимни баён этишга қарор қилдим:

Лойиҳанинг 11-моддасида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси сўзи ўрнига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, деб;

32-моддада прокурор протести бўйича қўрилган чоралар тўғрисида уч кун ичида эмас, дарҳол ёзма равишда маълум қилиниши;

38-моддада Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимида 10 йилдан кам бўлмаган иш тажрибаси мавжуд, 30 ёшдан кичик бўлмаган шахслар тайинланиши;

Республика Ҳарбий прокуратурасининг фаолияти ва штат бирлиги алоҳида моддада;

40-моддада эса прокуратура ходимларининг дахлсизлиги янада кенгайтирилиб кўрсатилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Прокуратура органларидаги мавжуд статистик ҳисобот тўғрисида эса лойиҳада ҳеч нарса дейилмаган. Менимча, бу масала ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.

Сўзсиз бу лойиҳанинг умумхалқ муҳокамасига қўйилганлиги ва билдирилган фойдали тақлиф, мулоҳазалар инobatта олинган ҳолда қонуннинг қабул қилиниши прокуратура органларининг фаолиятини янада тақомиллаштириш, қонунчиликни мустаҳкамлаш йўлида катта роль ўйнайди.

Б. УСМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи,
Республикада хизмат кўрсатган юрист,
Прокуратура фахрий ходими

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг асосий эътибор қонунларни тақомиллаштиришга қаратилди. Zero, қонуний қафолатсиз тараққиётга эришиб бўлмайди.

Конституцияда таъкидланганидек, прокуратура қонунлар ижросини назорат қилувчи орган. Шундай экан, унинг қонуний ҳимояланиши, ҳуқуқ ва мажбуриятларининг белгилаб берилиши прокуратура мавқеини янада мустаҳкамлайди. Шу боис 1992 йилда "Прокуратура тўғрисида"ги қонун қабул қилинган эди. Жаҳон ҳамжамиятида давлатимизнинг мавқеи мустаҳкамланиб бориши, қонунчиликдаги ўзгаришлар туфайли "Прокуратура тўғрисида"ги қонунга ўзгаришлар киритиш зарурати туғилди.

Олий Мажлиснинг II чақириқ 4-сессиясида "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг янги тахрирдаги лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Лойиҳа билан танишиб чиққач, айрим фикр-мулоҳазаларимни баён этишни лозим топдим.

Лойиҳанинг 2-бўлим, 11-моддасида "Прокуратура органлари" ва "Прокуратура органларининг тизими" белгиланган бўлиб, у тубдангача таърифланган:

"Прокуратура органларининг тизими қуйидагилардан иборат:
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси;

Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари..." ва ҳоказо. Менимча, "Ўзбекистон Республикаси прокуратураси" деган жумлани "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси" деб ўзгаришиш керак. Сабаби, Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига Республика Бош прокурори ва унинг тизимидаги Қорақалпоғистон республикаси прокуратурасига Қорақалпоғистон республикаси прокурори раҳбарлик қилади. Шундай экан, юқоридаги жумлани "Бош" сўзи билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бинобарин, барча ҳамдўстлик давлатларида ҳам Республика прокуратуралари Республика Бош прокуратураси деб юритилди.

Қонун лойиҳасининг 8-моддаси 1-бандида, прокурор талабаларининг бажарилиши барча фуқаролар ва юридик шахслар учун мажбурийлиги кўрсатилган бўлиб, шу бандидаги "барча фуқаролар" деган сўздан кейин "мансабдор шахслар" сўзи қўшилса, лойиҳа янада мукамаллашган бўлур эди.

Қонуннинг 13-моддасида "Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ваколатлари" кўрсатилган бўлиб, ушбу модданинг 5-бандида "... Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми мажлисида иштирок этади, қўрилаётган

ишлар бўйича ва муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан фикр билдиради, қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича ва муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан фикр билдиради, қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар бўйича пленумга тушунчалар бериши хусусида тақлифлар киритади", дейилган.

Худди шунингдек, модданинг 7-бандида Республика Бош прокурорининг

шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимида 25 ёшдан кичик бўлмаган шахслар тайинлангани кўрсатилган бўлиб; мазкур бандга "прокурорлар лавозимида 30 ёшдан кичик бўлмаган ва прокуратура идоралари тизимида 5 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлган ходимлар тайинланади", деб ўзгариши киритиш зарур. Яъни, бу муддат ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимларининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга, уларнинг қонунларни бир хилда ижро этилиши устидан назорат фаолиятларини янада қучайтиришлари, айрим ходимлар томонидан мансаб ваколатлари суистемий қилинишининг олдини олишга ижобий таъсир қилади.

Лойиҳанинг 41-моддаси "Прокуратура органлари ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминоти" масалаларига

БОШ ПРОКУРАТУРА
ДЕБ НОМЛАНСА...

Олий ҳўжалик суди пленуми мажлисида иштирок этиш ваколатлари кўрсатилган.

Мазкур модданинг 6-ва 7-бандларини мазмунан бир хиллиги сабабли, 6-бандни янги тахрир қилиб, 7-бандни чиқариб ташлаш керак. Яъни, 6-бандни "Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди пленумлари мажлисида иштирок этади, қўрилаётган ишлар бўйича ва муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан фикр билдиради, қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар бўйича пленум тушунчалар бериши хусусида тақлифлар киритади" тарзда ичқамлаштирган маъқул.

Янги тахрирдаги қонун лойиҳасининг 38-моддасида "Прокуратура органларида лавозимга тайинланганидан шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар" баён қилинган.

Ушбу модданинг 3-бандида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар,

бағишланган. У қуйидаги қўшимча билан тўлдирилиши жоиз:

"Прокуратура идоралари ходимлари хизмат сафарларида навбатдан ташқари меҳмонхоналарда жойлашиш, транспортнинг барча турларида чипталарни олдиндан банд қилиб қўйиш ва навбатсиз олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар".

"Прокуратура органлари" ҳамда уларнинг оила-аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш чоралари" ҳақида 42-моддада қайд этилган давлат томонидан ижтимоий ҳимоялаш ва мажбурий сугурталаш микдорларини Ички ишлар вазирлиги идоралари тизимидаги даражага кўтариши ҳам мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Янги тахрирдаги қонун лойиҳасининг айрим моддаларидаги "органлар", "стажер" каби русча сўзларни "Давлат тили тўғрисида"ги қонун асосида "идоралар" ва "иш ўрганувчилар" сўзларига алмаштириш лозим.

Ш. РАҲМОНОВ,
Хоразм вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари

Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси унинг ҳамма иштирокчилари учун очиқ бўлиши керак.
Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида иштирок этишга ҳеч қим монелик қилишга ҳаққи эмас.
(«Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги қонундан.)

МУНОСАБАТ

ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИМИ ЁКИ...

Марказий нашрлардан тортиб, вилоят, туманларда чиқадиغان газеталар, шунингдек тармоқ газеталари саҳифаларини варақласангиз "журналист суриштируви" деган рунгга бат-бат кўзингиз тушади.

Ҳўш, нима бўлибди, ҳар бир журналист, мухбир амалдаги қонунларга бинoан суриштирув, текширув ишларини олиб бориши, турли ахборотлар, маълумотлар тўплаб, улар асосида газета, журнал, телевидение ва радиога танқидий-таҳлилий мақолалар, фелетонлар, бошқа материаллар тайёрлаши мумкин, дерсиз. Албатта, мен ҳам бир журналист сифатида бунга асло инкор қилмайман. Ўзбекистон Конституцияси ва соҳага оид бошқа қонунларда журналистнинг ахборот тўплаш ва текширув ўтказиш ҳуқуқи қафолатланган. Хусусан, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонуннинг 9-моддасида "Журналист текшируви" деб аниқ равшан ёзиб қўйилган. Шундай экан, бирон-бир ташкилот, маъсаса ёки ҳўжаликдаги аҳолини ўрганиб, ариза ёхуд шикоят асосида текшириш ўтказиб материал тайёрлаган тахририят ходими унга "Журналист текшируви" деб руқни қўйиши лозим.

Яна бир гап. Аксарият матбуот нашрларининг сўнги саҳифасида «мақолада келтирилган далиллар учун муаллиф масъулдир» маъносидagi ибораларга кўзингиз тушади. "Оила ва жомият" газетасида "Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади. Муаллиф фикри тахририят нуктаи-назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилган қўлёзмалар таҳлил қилинмайдиган" деб қайд этилган. Мавжуд қонунларимизда эса бу масала бошқача талқин қилинган. Конституциянинг 67-моддасида "Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғриллиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар", дейилган. "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонунда "Оммавий ахборот воситалари ахборотини излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқидан фойдаланадилар ҳамда ўзлари эълон қилаётган ахборотнинг тўғриллиги ва ҳаққонийлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар" деган жумлаларни ўқиймиз.

Демак, барча оммавий ахборот воситалари фактлар, маълумотлар, келтирилган далиллар учун бутун маъсуллатни фақат муаллифлар зиммасига юклаб қўйиши адолатдан эмас. Айрим газеталар саҳифаларида ҳуқуқ текширилмаган, аниқ далиллар ва фактларга асосланмаган, қонун талабларидан йироқ бўлган юзак материаллар эълон қилиниб, уларнинг муаллифлари тахририят ходимларининг судма-суд юришларига сабабчи бўладилар. Тўғри, журналист, тахририят турли ташкилотлар ва органларнинг расмий хабарларини эълон қилишлари мумкин. Бундай ҳолда ана шу хабарларнинг тўғри ёки нотўғриллиги учун тегишли ташкилот ёки маъсаса масъулдир. "Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 15-моддасида "Журналист расмий хабарларда баён этилган ахборотни тарқатганлик учун жавобгар бўлмайди", дейилиши ҳам бежиз эмас. Шундай экан, қонун талаблари ҳамма жойда ҳам бир хилда ижро этилиши лозим.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
журналист

ТАДБИР

МУЛОҲАЗАЛАР БИЛДИРИЛДИ

Сирдарё вилоят прокуратурасида бўлиб ўтган навбатдаги ўқув машғулотини Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонун лойиҳасига бағишланди.

Семинарни вилоят прокурорининг ўринбосари А.Шамсидинов олиб борди. Ўқув машғулотини давомида мазкур қонун лойиҳасига доир шаҳар, туман прокуратураларидан келиб тушган тақлиф ва мулоҳазалар муҳокама қилинди.

Воёга етмаганлар ўртасида жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш мавзусига бағишлаб ўтказилаётган тадбирларнинг навбатдагиси Гулистон шаҳридаги "Гулистон" ижодиёт

марказида ва хорижий тиллар лицейида бўлиб ўтди. Илғилишини Сирдарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Б. Жонкулов кириш сўзи билан очди.

Жойларда олиб борилаётган амалий ишлар ва келгуси режалар тўғрисида вилоят ҳокимлиги Воёга етмаганлар билан ишлаш комиссияси маъсул котиби Ф.Нажмидинов ва вилоят прокуратурасининг маъсул ходимлари маъруза қилишди.

Учрашув ўқувчи ёшлар томонидан кизиқиш билан кутиб олинди.

Ў. ХУДОЙҚУЛОВ,
Сирдарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

ХАЛОЛ МЕХНАТ ҚАДР ТОПАР

"ХОЛИС БАҲОНИ ОДАМЛАР БЕРАДИ"

АВВАЛДАН тайёрлаб олган саволларимни суҳбатдошимга тақдим этганимда: "Ўзимиз ҳақимизда гапирсак, қандай бўларкин, — прокуратура ходимлари қилаётган ишлар тўғрисида жамоатчилик фикрини ўргансангиз тўғри бўлади. Ишимизга холис баҳони одамлар беради. Уларнинг фикр-мулоҳазаларини ёзиб чиқарсангиз, шунинг ўзи кифоя", — деди.

Андижон шаҳрининг истироҳат боғида баланд ўрнатилган, ёзувлар ўтиб турган паннога кўзим тушди. Рекламадаги қонун ҳужжатларига оид жумлалар мени ҳайратга солди. Ҳуқуқий тарғиботнинг шакл ва услублари турфа хил. Лекин биронта вилоят марказида бу каби оммабоп ҳамда таъсирчан воситани учратмаганим. Кейинроқ вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан ажойиб теннис корти ва стадиондаги таблолардан ҳам қонунларни тарғиб-ташвиқ қилиш, ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборотлар беришда фойдаланишгаётганини эшитдим.

Вилоят прокуратурасининг қабулхонасида нуруний отахон билан кўришдим. Аризачилардан бири бўлса керак, деб ўйлаганим. Бироқ у шикоят эмас, раҳматнома ёзиб келибди.

— Қирқ беш йил автобус ҳайдовчиси бўлганман, — деди отахон. — Ўн йил аввал пенсияга чиқдим. Икки қизим, беш ўғлим, қирқ неварам бор. 1992 йили кичик корхона очдим. Турли мебель, жиҳозлар чиқара бошладик. Ҳўжаобод туманидаги бир неча мактабга парта, стол ва стуллар ясаб бердик. Чет элликдан қилишмайдиган мебелларимиз оғизга тушиб, катта-катта идораларнинг ҳам буюртмаларини ола бошладик. Ҳўжаободдаги янги касалхонани жиҳозлаш тўғрисида буюртма тушди. Мебелларнинг намуна нусхаларини кўриб, маъқул топиб, тайёрлаб беришни сўрашди. Айтган мuddатларида жиҳозлар тайёр бўлди. Шифохонанинг очилишига мебелларнинг бир қисмини олиб бориб ўрнатишди. Кейин...

"Турғунбойхожи" хусусий ишлаб чиқариш фирмасининг бошлиғи Турғунбой ака Каримов оғир тин олади.

— Бир юз тўқсон минг сўм пулини ўтказиб беришмади. Йигирма бир нафар ишчининг маоши, ёғочтахта, бошқа харажатларнинг ўрнини қоплай олмай, ишимиз тўхтаб қолди. Бунинг устига туман солиқ инспекцияси солиқдан қарзларнинг бор экан, деб 102 минг сўм инкасса қўйди. "Нуруний" жамғармаси тасарруфида ишлаганимизни, бу жамғарма солиқлардан озод этилганини инобатга олишмади. Охири вилоят прокурори қабулга кирдим. Вилоят прокурори аризамни қўл остидаги ходимларига текширтириб, судга ариза киритди...

Ҳўжаобод туман суди "Турғунбойхожи" фирмасига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисида вилоят прокуратураси киритган даъво аризани қаноатлантирди.

Жалолқудуқ тумани "Дўстлик" ширкат ҳўжалиги аъзоси Солияхон Кўйичева 1998 йили савзавотчиликка ихтисослашган фермер ҳўжалиги ташкил қилмокчи бўлган эди.

— Ўша йили февраль ойида ширкат ҳўжалиги умумий йиғилишининг қарори чиқди, — деди Солия опа. — Туман комиссияси ҳам ер участкаси ажратиш тўғрисида хулоса берди. Низом билан "Бизнес режа"ни туздиргани деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмасига, тадбиркорлар палатасига кўп марта қатнадим, ҳеч натижа чиқмади. Икки йил иш бошлаш олмай юрдим. Прокуратура аралашувидан сўнг икки гектар ер ажратиб беришди. Худо хоҳласа, бу йил биринчи ҳосилни оламиз...

— Икки йил аввал битта ноҳақлик бўйича

1

дейди Президент фармонида кўра "Шон-шараф ордени" билан тақдирланган Андижон вилоят прокурори, III даражали Давлат ағлия маслаҳатчиси Умматали ШАМСИЕВ.

вилоят прокурорига учрашганим, — деди Пахтаобод туманидаги 1-ўрта мактаб директори Қодир ака Раҳмонов.



— Туман табиати муҳофазат қилиш бўлими ходимлари ҳеч бир сабабсиз менга жарима солишган эди. Прокуратура кўриб чиққанидан кейин ноқонуний жаримани бекор қилишди.

Вилоят прокуратураси, туман прокуратураси ходимлари мактабимизга таълим-тарбия ишларида ёрдам бериб туришади. Кейинги тўрт йил давомида вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясида, туман милициясида биронта ўқувчимиз рўйхатга қўйилмаганини шундай тадбирлар шарофатидан, деб биламан. Туман прокурори Маъмуржон Қирманов, терговчи Махаммадхон Ашуровларнинг суҳбатларини ўқувчилар берилиб тинглашади, қизгин баҳс-мунозаралар бошланади. Прокуратура ходимларининг ёрдами билан "Конституция ва қонунларни ўрганиш хонаси"ни ташкил қилдик. Болаларга ҳуқуқий таълим-тарбия бериш тўғрисида вилоят миқёсида семинар ўтказилиб, иш тажрибамизни кўрсатишди. Илгари Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган ўқув дастурида юқори синфларда фақат бир соат ҳуқуқ дарслари ўтиларди. Президентимизнинг Конституцияни ўрганиш тўғрисидаги фармонидан кейин ҳуқуқий таълим-тарбияни юқориқор босқичга кўтариш учун прокуратура ибратли ташаббус кўрсатди...

— Бизда 219 нафар бола тарбияланади, — деди Пахтаобод туманидаги вилоят Меҳрибонлик уйи директори Қодирхон Исоқов. — Ўтган йили ноябрь ойида вилоят прокурорининг ўринбосари Нурмухаммад Қурбонов бошчилигида бир гуруҳ ходимлар Меҳрибонлик уйидаги аҳолини ўрганишди. Ётоқхона, мактаб хоналари неча йиллардан бери таъмирланмасди. Сочик ва чойшаблар, ошхона идиш-товоқлари етишмасди. Спорт зали ҳам афтода аҳолда эди. Вилоят прокурорининг топшириғи билан ана шу камчиликлар бартараф этилди. Қисқа мuddатда зарур маблағ ажратилиб, бинолар таъмирланди, етишмаётган анжомлар келтирилди. Қўлимизда тарбияланаётган уч ёшдан ўн етти ёшгача

2

бўлган етим болаларга вилоят ва туман прокуратураси кўрсатаётган меҳр-муруват ҳақида қанча гапирсам оз...

Ҳуқуқий онгни болалиқдан шакллантириш орқали ёшлар ўртасида жиноят, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга вилоят прокуратураси алоҳида эътибор қаратаётган. Андижон шаҳридаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларига прокуратура ходимлари бириктирилган.

— Вилоят прокуратураси ходими Улуғбек Бакиров тез-тез учрашувлар, суҳбатлар ўтказиб туради, — деди Андижон шаҳридаги "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жўрабой ака Раҳматуллаев. — Янги идора қурдик. Бунақа иморат шаҳарда йўқ. Битта хонасини Улуғбек: "Ҳуқуқ тарғиботи хонаси" қиламиз, — деяпти. Бу таҳриф бизга маъқул тушди. У ташкил этган гиёҳвандлик, ўғирлик, ақидапарастлик тўғрисидаги суҳбатлар фойдали бўлди. Маҳалладан уч-тўрт йилдан бери жиноятчи, ҳуқуқбузар чиққани йўқ.

— Прокуратура ходими, прокурор дадил, янгиликка интилувчан, ҳалол-поқ бўлиши керак, — деди умр бўйи ағлия, суд, прокуратура идораларида меҳнат қилган, 15 йил мобайнида Андижон вилоят прокурори лавозимида ишлаб, пенсияга чиққан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Абдулхай ака Рўзиёев. — Раҳбарлар бўлади, одамлар гаплагани беизиллайди. Қўл остидагиларни ҳам ўзидан қочиради. Ҳозир вилоят прокуратурасида ишлаётган раҳбарлар очик кўнгил, хулоса чиқаргани шовилмайди, бировнинг фикрини тинглай олади, яхши томонларини олиб, рўёбга чиқаради. Уларнинг яхши фазилати халқ ичидан, одамлар орасида кўп бўлишидир. Шунинг учун қонунбузарликка, жиноятчиликка доир муаммоларни дарров илғаб олишади. Қўл остидаги ходимларининг ишда ўзларини кўрсатиши, қобилиятини намоян эта олишлари учун имконият яратишади. Кези келганда, уларни аямай ишлатишади, ўрни келганда рағбатлантириб, руҳини кўтаришади.

Нафақадаги прокуратура фахрийларини тез-тез чорлаб, маслаҳатларига қўлоқ солиш ҳам улар учун одатга айланган. Мен ютуқларини ҳам, камчиликларини ҳам юзларига тикка айтавераман. Прокуратура раҳбарларининг мардлиги шунда кўринадикки, ўзлари берган топшириқ натижаси қандай бўлмасин, ходим билан жавобгарликни баравар зиммаларига олади.

Мен ўн беш йил прокурор бўлиб қилмаган ишни улар қилишди. Вилоят прокуратураси фахрийларининг музейини очилди. Ўзим асраб-авайлаб юрган баъзи нарсаларни музейга топширдим. Музейнинг очилишига барча фахрийларни тақлиф қилишди. Бошимиз осмонга етди. Ўғлим ҳам прокуратурада ишлагани учун ҳамма ишларидан хабарим бор. Андижон илгаригидай, ҳамма соҳада, шу жумладан, қонунбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда ҳам илдам экан, бунда прокуратура идоралари ходимларининг хизматлари катта...

Умматали Шамсиевни таниган-билган, прокуратурага иши тушган кўпгина андижонликлар билан гаплашиб, айримларининг фикр-мулоҳазаларини қандай бўлса, шундай қоғозга туширдим. Дарвоқе, у раҳбарлик қилаётган прокуратура фаолиятига фуқароларнинг ишонч-эътиборидан ортик холис баҳо бўлмаса керак.

Исроил ИБРОХИМОВ,
"Ҳуқуқ" муҳбири

3

ФАРМОН ВА ИЖРО

ҚОМУСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

БОШ қонунимиз - Конституцияни библих хар бир фуқароннинг бурчидир. Чунки ушбу қонун бизнинг ҳуқуқ ва эркинликларимизни таъминловига қолмай, ҳимоя қилади, қасдалтайдими.

Шу йил 4 январда юртбошимизнинг Конституцияни ўрганиши ташкил этиш тўғрисидаги фармони эълон қилинган эди.

Айни кунларда маъзур фармон юзасидан жойларда тадбирлар ўтказилмоқда. Шундай тадбирлардан бири пойтахт таълимнинг Собир Раҳимов туманида бўлиб ўтди.

Туманининг А.Абдуқаюмов номли ма-

ҳалласида бўлиб ўтган йиғилишда Республика Конституциявий суди раиси Б.Эшонов иштирок этиб, Бош Қонунимизнинг мазмун-моҳияти, унинг фуқаролар ҳаётидаги ўрни ҳақида маъруза қилди.

Учрашувада туман ҳуқуқни муҳофазат қилиш органлари ходимлари, туман ҳокими, Миллий университет ўқитувчилари ва бошқалар сўзга чиқишиб, ушбу фармоннинг ўз вақтида чиқарилганлиги, у фуқароларнинг, айниқса, ёш ав-

лоднинг ҳуқуқий онгини ва маданиятини оширишда муҳим аҳамиятга эгаллигини таъкидлашди.

Худди шундай учрашув Қўрай туман прокуратурасининг ташаббуси билан "Байтўрғон" деҳқон-фермер ҳўжалигида ҳам бўлиб ўтди.

Учрашувада туман прокуратураси ходимлари томонидан Конституцияимизнинг

фуқаролар ҳаётидаги ўрни, аҳамияти, уни қундалиқ турмушга тадбиқ қилиш ҳақида маърузалар қилинди.

Ушбу тадбирда "Прокуратура тўғрисида"ги янги тахрирдаги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама этилиб, йиғилганлар лойиҳа юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Муҳокамада шунингдек, туман прокурори А.Набиев сўзга чиқиб, қонун лойиҳасининг эски тахрирдаги қонундан фарқи, унга киритилган айрим ўзгартаришлар ҳақида қисқача сўзлаб берди.

(Ўз муҳбиримиз)

ПРОКУРОР НАЗОРАТГА ОЛАДИ, ХИМОЯ ҚИЛАДИ

РЕСПУБЛИКА прокуратурасига Қашқадарё вилоятининг чекка бир кишлоғидан шикоят келди. Уни ёш қизча ёзгани шундоқки кўри-ниб турарди. "Онам вафот этганидан сўнг, дадажоним бизни — 5 нафар вояга етмаган фарзандларини оқ ювиб, оқ тараб тарбиялаётган эди... Қашқадарё вилоят суди дадамини ўлим жазосига ҳукм қилди. Бизнинг дадажонимиз ёмон одам эмас, биз жонимиздан ортиқ кўрамаиз. Ҳозирданоқ укаларим билан кўча-кўйда сарсон бўлиб қолдик. Бошимизни силайдиган, совуқ қотсақ чопони орасига олиб иситадиган меҳрибонимиз энди йўқ. Укаларим "дадамини соғиндик", деб йўғлашади, уларни юпатормай мен ҳам йўғлайман. Ёлвораман, дадажонимизни қайтариб беринглар!"

Кўз ёшлари томиб, сиёҳлари чапгани кетган бу мактуб ҳар қандай одамнинг қалбини ларзага соларди. Республика прокуратураси уни қатъий назоратга олди.

Мазкур топшириққа асосан,

қир-қақирлар, ҳақоратлар авж олди. Бу жанжалдан хабар топган Саттор Тўраев етиб келди ва ўғилларига қараб: "ўшланглар уни милтигини олиб ўзи билан бирга милицияга топшириб юборинглар", дея топшириқ берди, ўзи ҳам Суён акага қараб ҳезланди. С.Назаров "ақинлашма отаман", дея оғоҳлан-тиришига қарамай, Саттор унинг устига бостириб келаверди. Орадаги масофа 4-5 метр чамаси қолганда асаблари қақшаган С.Назаров қўлидаги милтиқнинг тепкисини

Ў.Р.ЖКнинг 59-моддасига асосан беришган жазоларни тўлиқ қўшиб йўли билан ўлим жазоси қўйиладими".
(ҳукмдан кўчирма.)

Тергов ҳужжатларида, ҳатто суд жараёнида Назаровнинг оилада ягона боқувчи эканлиги, вояга етмаган болалари борлиги ва охир оқибатда бу фожеага Назаров эмас, Ф.Тўраевнинг моли унинг тасарруфидоги пахта майдонини пайҳон қилгани сабаб бўлганлиги негедир эътибордан четда қолди.

Олий суд пленумининг 1996 йил 19 июлдаги қарорига кўра судланувчининг касаллиги, оилада ягона боқувчи эканлиги, меҳнатга яроқсизлиги ва жабрланувчи жиноят содир этилишига сабаб бўлган айриқонуний ҳаракатлар қилган бўлса, жиноят кодексининг 57-моддасига мувофиқ қонунда назарда тутилган жазонинг энг кам қисмидан ҳам озроқ жазо тайинлаш ёки бошқа энгилроқ жазо турига ўтказиш мумкинлиги алоҳида таъкидланди. Зеро, С.Назаровнинг жино-

билан тайинланган жазони қисман қўшиб, қатъий жазо этиб, 10 (ўн) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси таъминлансин."

(Олий суд раёсати қароридан)

Ҳа, адолатнинг йўли узун ва машаққатли. Ана шу машаққатлар ортда қолди. Жўжабидрай жон, оддий кишлоқ фуқаросига нисбатан қўлланилган ўлим жазоси 10 йил озодликдан маҳрум этишга ўзгартирилди. Бу С.Назаров тўла оқланди, дегани эмас. Қонун барчага баробар. У қилмишига яраша жазо олди. Лекин бу орада қанча сувлар оқиб ўтди, қанчадан-қанча асаббузарликлар, сарсонгарчиликлар рўй берди. Республика прокуратураси, унинг судларда жиноят ишларини кўришда прокурор ваколатини таъминлаш боржармаси ҳодимларининг сай-ҳаракатлари тўғрисида бунга чек қўйилди. Ақс ҳолда, ким биларди дейсиз, у яна қанча давом этарди.

Бу Республика прокуратураси аралашуви билан, яъни протест

"ДАДАЖОНИМНИ ҚАЙТАРИБ БЕРИНГ!"

Тўғри, суд жараёнида бу ҳақда қисман гапирилди, лекин инobatга олинмай гап-галлигича қолиб кетди. Қолаверса, Назаров ўз ҳовлиси ёки томорқасидаги экин майдонини эмас, айнан жамоа ҳўжалиги, яъни давлат мулки бўлган пахтазорни кўриқлаш мақсадида бу жиноятга тасодифан йўл қўйгани ва жиноятга сабаб бўлган бошқа омишлар ва уни энгиллаштирувчи ҳолатлар ҳақида умуман гап бўлгани йўқ.

Бу албатта ўлимга ҳукм қилинган маҳкум ва унинг ҳамқишлоқларининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлди. Маҳалла-кўй Суёнга ачиниши билан бирга суд ҳукмидан норози эканликларини яшириб ўтиришмади. Бу ҳолатда ҳаммиша бўлган индек ҳукмдан норози бўлиб, Олий судга кассация аризаси билан мурожаат қилинди.

Орадан бир ойлар чамаси вақт ўтиб, мазкур жиноят иши Республика Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан қайта кўриб чиқилди. Бу гап, адолат, қонун устуворлиги таъминланди. Ажрим ҳўлосасига кўра жиноят ишидаги айрим модалда ва қисмлар қарақатдан тугатилди. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисмининг "д" банди, 97-модда 1-қисмига қайта квалификация қилинди. Шундай қилиб, Назаров Суёнга нисбатан қўлланилган ўлим жазоси 18 йил озодликдан маҳрум этиши билан алмаштирилди.

...С.Назаров томонидан содир этилган жиноят иши республика прокуратурасига келганда мана шундай ҳолатда эди. Бир қарашда айбланувчига нисбатан қўлланилган ўлим жазоси энгилроқ жазо билан ўзгартирилди, қисман бўлса, адолат қарор топгандек кўринарди. Қолаверса, бу қарор билан қаноатланиш ҳам мумкин эди. Бирок, жиноятчининг ногирон бўлишига қарамай ижтимоий фойдали меҳнат билан шўғуллангани ва боқувчисини йўқотган беш нафар ёш боланинг оғир аҳволда қолганини боис Республика прокуратураси мазкур жиноят ишини мукамалроқ ўрганиб чиқишга қарор қилди.

Жиноят ишига тегишли барча ҳўжатлар — тергов материаллари, қарорлар, суд жараёнидаги қўрсатмаларга чинақлаб ўрганиб чиқилди. Жиноятни энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳўжатлар таҳлил қилиб чиқилди. Ҳўллас, бу ишга тааллуқли бўлган барча иқир-чиқирларнинг бирортаси ҳам эътибордан четда қолмади. Нихоят, Республика прокуратураси Олий суд раёсатига мазкур жиноят иши юзасидан протест киритди.

Протестда "Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги

Ўлим жазоси қангай қилиб 10 йил озодликдан маҳрум этиш мўддатига ўзгаргани хўсўсига

ят иши юзасидан рўй берган ҳўлатлар Олий суд пленумининг мазкур қарорига тўла мос келмади. Ҳўлмадан, судланувчи 54 ёшдан ошган, мўқадам судланмаган, ногирон, беш нафар боланинг ягона боқувчисидир. Бундан ташқари, Яққабоб туманидаги Қасанақли кишлоқ фуқароларидан бир неча киши Қашқадарё вилоят суди номига ариза билан мурожаат этиб, С.Назаровни ижобий тавсифлаган ва унинг оиласи қўйин аҳволда қолганиниги инобатга олиб энгиллик Берилишини илтимос қилганлар.

Республика прокуратураси юқорида қайд этилган бу ҳўлатлар содир этилган жиноятни энгиллаштириши ва ижтимоий ҳавфлик даражасини қамайтириш учун асос бўлишини эътироф этди. Шулардан келиб чиқиб, С.Назаровга нисбатан чиқарилган суд қарорини ўзгартириш лозим деб топди.

Республика Олий суди раёсати олий суд раиси У.Мингбоев раислигида ва нуфузли раёсат аъзолари ҳамда Бош прокурор ўринбосари Э.Қудратов ишгирида ушбу жиноят ишини қайта кўриш жараёнида протестда келтирилган барча ҳўлатлар асосли деб топилди. Олий суд раёсати протестни қувватлаган ҳўлда содир этилган жиноятнинг ижтимоий ҳавфлиги даражасини жиддий қамайтирувчи мавжуд ҳўлатларни инобатга олиб, бир фикрга келди.

"Қашқадарё вилоят судининг 1999 йил 13 сентябрдаги Назаров Суён ҳақидаги ҳўкми ва шу ҳўкми ўзгартирган Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 1999 йил 25 ноябрдаги ажрим ўзгартирилсин.

Назаров Суёнга Жиноят Кодекси 97-моддасининг 1-қисмига ЖКнинг 57-моддасини қўллаб унга тайинланган жазо қаматирилиб, 8 (саккиз) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин, ЖКнинг 59-моддасига асосан, ЖКнинг 248-моддаси 1-қисми

тартибда бекор қилинган ягона суд ҳўкми эмас. Ўтган йил давомига Республика прокуратурасига келиб тушган ариза ва шикоятлар асосида вилоят ва уларга тенглаштирилган судларнинг раёсатларига йўнлаб протестлар киритилди ва уларнинг деярли ҳаммаси қаноатлангилди.

— Президентимиз халқимиз қўйинчиликларга, йўқчиликка чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди, дея кўп такрорлайди, — дейди Абдуғаффор Салихов. — Ҳақиқатан ҳам бизнинг халқимиз меҳр-оқибатли, оққўнғил, ишонувчан халқ. Прокуратура идоралари томонидан қонунлар ижроси таъминланиб, адолатли тиклаш билан одамларнинг келажакка ва ёруғ қўнларга ана шу ишончи янада мустаҳкамланмоқда. Президентимиз олиб бораётган сиёсати, яъни жамятимизда инсон ҳақ-ҳўқўқлари ва манфаатлари ҳар нарсадан улўғ эканлигини ва у қонун йўли билан қатъий ҳўмия қилинишини халқимиз юракдан ҳўс этмоқда.

Энг муҳими, одамлар ҳўқўқ-тартибот, жўмладан, прокуратура идораларини ўзларининг маслақдоши ва ҳўмиячиси деб қараяптилар. Бу ишонч зиммасига жуда катта масъулият юклашини асло унутмаслигимиз лозим.

Абдуғаффор ака тергов ва суд жараёнида йўл қўйилаётган камчиликлар — одамларнинг идорамани идора сарсон бўлиб юришлари ҳақида кўюниб гапирди. Унинг фикрига қўшилмасдан илож йўқ. Негаки, ҳар бир қўрилатгани жиноят иши ёки улардан норози бўлиб юқори идораларга ёзилмаётган ариза ва шикоятлар ортида инсон бор. Унинг тақдирига бефарқ қарашга, айниқса, жиноят ишларини ҳар томонлама пўхта ўрганимай туриб, шўшма - шўшарлик билан қарорлар чиқаришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бу борада мазкур мақоладаги аниқ ҳақиқат сабоқ бўлса ажаб эмас.

Абдуҳўшим МАДАТОВ, журналист

Қашқадарё вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси М.М.Мирсолиҳовга

ТОПШИРИҚ

Қашқадарё вилоят судининг 1999 йил 13 сентябрь кўндоги ҳўкмига кўра ЖКнинг 97-м, 1-қ билан судланган С.Назаровнинг жиноят ишини назорат тартибида ўрганиб чиқиш учун Республика прокуратурасига 2000 йил 20 ноябрь кўнига қадар юборишинизни сўрайман.

Судларда жиноят ишларини кўришда прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси бошлиғи, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси:

А. Салихов

С.Назаровнинг жиноят ишига оид барча ҳўжатлар Тошкентга олиб келинди ва малакали мутахассислар томонидан атрофлича ўрганишга киришилди.

...Суён Назаров Яққабоб туманидаги "Қасанақли" кишлоғида ҳамма қатори осойишта ҳаёт кечирарди. 1993 йил турмуш ўртоғи вафот этган, вояга етмаган бир этак болалари билан ёлғиз қолди. Содда, меҳнаткаш бу одам болаларим ўқимасин, муҳтожлик кўрмасин деб, "Сохибқирон" жамоа ҳўжалигида нима юмуш бўлса бажариб юрди, болаларини оқ ювиб, оқ таради. Кейинги йилларда соғлигидан пугур кетиб, узок касалликдан сўнг 11 гуруҳ ногирони бўлиб қолди.

Турмуш ташвишлари, 5 нафар болани бекаму-кўст ўстиришининг ўзи бўлмади. Шу боис ногиронлигига ҳам қарамай жамоа ҳўжалигининг ҳўлвасига яқин экин майдонидан бир гектар пахтазорни оливайи пудрат асосида ижарага олиб, баҳоли қудрат меҳнат қила бошлади. Мактабдан қайтган, болалари қанотига кирди. Мактаб ёшига етмаганлари дадасининг ардоғида юришди. Июнь ойига келиб Суён аканинг эрта баҳордан тер тўкиб қилган меҳнатлари юз кўрсатга бошлади, пахта қийғос ҳўсига кирди.

Кишлоқчилик эмасми, мол-қўйдан кўпи йўқ. Суён акага пахтани етиштириш ҳам бир бўлди-ю уни чорва ҳайвонларидан кўриқлаш ҳам бир бўлди. Ногирон одам қай бирига улгурсин. Шундай бўлсада, пахтадан юқори ҳўсил олиб, тирикчилигини ўнглаб олиш ниётида тишини-тишига қўйиб меҳнат қилди. Шундай кўнларнинг биринида маҳалладоши, Фарход Тўраевнинг сигири яна пахтазорини пайҳон қилиб юрганни кўриб, фигони фалакка чиқди. Мол ҳайдаёвериш жонига теккан деҳқон бундай ҳўлат бошқа такрорланмаслиги ва Ф.Тўраевни бироз чўчитиб қўйиш мақсадида уйдан ТОЗ-16 русумли йўқ отар қуролни олиб чиқиб "молингни ҳам, ўзингни ҳам отиб ташлайман", дея дағдаға қилган бўлди. Фарҳоднинг ёнига акаси Сохиб Тўраев ҳам қўшилиб ба-

ни қандай босиб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Саттор Тўраев кўрқрагидан яраланиб, шиғоҳонага етиб бормай, йўлда ҳалок бўлди.

Жанжалнинг каттаси шундан кейин бошланди. Полончи полончини отиб қўйибди, деган гап сўзлар ва унинг атрофида яна қанча мишмишлар болалаб кетди. Бўлиб ўтган воқеадан кўра, унинг тафсилотлари ваҳималироқ эди. Тергов пайтида ҳам мана шу ҳўлат давом этди. Нихоят, бундай қарашлар, муносабатлар суд жараёнида ҳам ўз аксини топди.

"Судланувчи Назаров Суён Яққабоб тумани, Қасанақли қишлоғида яшаб келиб, тегишли рухсатномасиз йўқ отар қурол сақлаб, қасдан одам ўлдиршига суиқасд қилиш ва жаавобгарлиқни оғирлаштириш ҳўлатларида қасдан одам ўлдирши жиноятини содир қилган".

(суд материалларидан.)

Яққабоб туманида вилоят суди судьяси И.Ҳайитов раислигида туман прокурори ўринбосари Жўраев ишгирида бўлиб ўтган очик суд шу тарзда давом этди. Гўвоҳлар ва жабрланувчиларнинг қўрсатмаларида ҳам асосан "қасдан одам ўлдирши", "жиноятни оғирлаштириш ҳўлатлари"га алоҳида урғу берилди.

Суд жараёнида Назаров Суённи содир этган жинояти жамяят учун ўта ҳавфи эканлиги ва бу оғир жиноят турига кириши бот-бот таъкидланди ва суд ҳайъати шу нуқтаи назардан келиб чиқиб бир қарорга келди.

"Судланувчи С.Назаров Ў.Р.ЖКнинг 248-моддасини 1-қисми, 25, 97-моддасини 1-қисми, 97-моддасини 2-қисми "д" банди билан айбли деб топилсин.

Унга Ў.Р.ЖК нинг 248-моддасини 1-қисми билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазо берилсин, Ў.Р.ЖКнинг 25, 97-моддасини 1-қисми билан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилсин. Ў.Р.ЖКнинг 97-моддасини "д" банди билан ўлим жазоси берилди,

БИР ШИКОЯТ ИЗИДАН

БЕҚАРОР ҚАРОРЛАР

БИЛАН СУДЛАР АЙРИМ ФУҚАРОЛАРИНИНГ САРСОН-САРГАРДОН БЎЛИШЛАРИГА САБАБ БЎЛМОҚДАЛАР

УШБУ мақолани ёзишга бир йил истиқола қилдим. Қолаверса, бугун бўлмаса, эртага адолат қарор топишга ишониб келдим. Бирок, номукамал, ижрогача етмай "йиқилмаган" қарорлар мени хулоса чиқаришга ундади.

Азиз муштарий, Сиз ҳам аввал бир ярим йилдан буён турли идораларга шикоят ёзишга мажбур бўлган жабрдийда аёлнинг ариза-сига қулоқ тутинг:

"Хурматли Бош муҳаррир! Дардимни дoston қилмоқчи эмас эдим. Аммо, адоқсиз ноҳақ қалсатишлар мени шикоят ёзишга мажбур этди.

Турмуш ўртоғим билан тор хонадонимизни сотиб, устига қарз-қавола қилиб, Қозоқовул қишлоғидан қурлиши битмаган ҳовли сотиб олдик. 1996 йилда янги уйга қўшиб ўтдик. Қарз тўлаш билан овора бўлиб юрган пайтимишда унинг "эгаси" — бизга ҳовли сотган Дилором Тоировага ука бўлмиш Олим Сайфиевнинг собиқ хотини Олмаҳон Улжаева келиб қолди. Билдишимизча, "даъвогар"нинг уй сотилганидан хабари бўлган, аммо нима учундир "миқ" этмай келган. Хуллас, у биздан уйни бунташиб қўйишни талаб қилди.

Бу воқеадан кўп ўтмай, Каттақўрғон туман суди вакиллари бир зуррўқ орган ходимлари билан кириб келишди. Улар бизнинг арз-додимизга қулоқ ҳам тутмай, нарсаларимизни ташқарига ташиб чиқара бошладилар. Сабабини сўрасак, "Биз суд қарорини бажараялмиз", дейишди.

"Қарор"га аниқлик киритиш мақсадида Каттақўрғон туман судига бордик. У ерда "сенга ҳовли сотганлар шаҳарда яшайди, шаҳар судига борган", дейишди. Шаҳар судидан эса "низоли ҳовли туман ҳудудда жойлашган, бу ишни туман суди ҳал қилади", деган жавобни олдик. Шундан сўнг Самарқанд вилоят судига мурожаат қилдик. "Иш" қайта кўриб чиқиш учун туман судига йўлланди. Мана, бир йилдан ошдики, кўрм-кўл ўтаётган "иш"имиздан ҳамон натижа чиққани йўқ. Уроқда йўқ, машоқда йўқ О.Улжаева эса аллақачон ҳовлини эгаллаб олган.

Биздан уйнинг пулини қўртдай санаб олганлар эса пинакларини ҳам бузишмаяпти. Наҳот, судларимиз учун ҳақиқатни қарор топтириш шунчалар қийин кечса?!

Нигора Шарипова."

Шикоятни ўрганиш мақсадида хат муаллифи истиқомат қилиб келган Каттақўрғон туманидаги Қозоқовул қишлоғига йўл олдим. Аризагўйнинг кўшичалари иштирокида амал-тақал яшаб туришга мўлжаллаб қурилган низоли ҳовлини кўздан кечирдим. Якка эшикда каттақон кулф осилган. Дераза ойналаридан айримларининг синиб турганлиги, ҳовлини ёввойи ўт-ўланлар босиб кетганлиги бир қарашдаёқ бу ерда ҳеч ким яшамаслигидан дарак берарди. Маҳалла кенгаши раиси М.Умаров ҳамда бошқа фаолларнинг айтишича қараганда сукунатли ҳовлининг чирोगи бирор марта ёнмас экан...

Ҳовли-жойнинг 1996 йилдаги олди-сотди шартномасига доир туман ҳокимлигининг қарори, 2-сонли давлат нотариал идораси ва бошқа тегишли идораларнинг ҳужжатларини кўздан кечириб эканман, эндиликда улар уч пулга қиммат бўлиб қолганлигига амин бўлдим. Сабаби, бу борада Каттақўрғон туман суди аллақачон ўз сўзини айтиб бўлган. Мен суд қарорини шубҳа билан қараш фикридан йироқман. Бирок, бировнинг машаққат билан тўплаган пулини осонликча ўзлаштириб олишни кўзлаган О.Сайфиевлар-чи? Нега суд қароридан уларнинг зиммасига адолат юзасидан масъулият юкланмаган?!

Шариповларнинг қонуний ҳимоячиси Фуломжон Исақовнинг айтишича, туман суди судьяси (Собиқ) А.Норбутаевдан кейин А.Шариповнинг низоли уйга эгалик ҳуқуқини тиклаб бериш тўғрисидаги даъво ариза Каттақўрғон шаҳрига йўлланди экан. Аммо иш ечимини топмаган.

Даъвогар Н.Шарипова бу тўғри-

да шундай изоҳ беради: "Бир кун "тез етиб борар экансиз", деб суддан уйимизга одам келди. Хурсанд бўлиб йўлга отландим. Шаҳар суди раиси У.Қувнонов қабулига кирганимда, у киши меҳнат таътилига чиқаётганлигини айтиб, менга "иш"имизни вақтинча тўхтатиб туришингизни сўрайман", деган мазмунда ариза беришимни илтимос қилди. Бир ойга бўлса розиман, дедим. Шундан сўнг даъво ариза-

да қараб кўрилса ҳам, низо келиб чиқишининг туб сабаби аён бўлди. У ҳам бўлса ҳовли сотган О. Сайфиевнинг собиқ хотини билан аланга олиб келаётган кўп йиллик адоватларидир. У уч нафар фарзандининг ҳақи, ҳурмати учун ҳам жиҳоз ва уй рўзгор буюмларини тенг иккига бўлиши лозим эди. Аммо у хотинига битта миҳни ҳам раво кўрмади. Қонун эса бунга йўл қўядими?

Ортдан туриб, бир-биримизга баҳо бериш осон. Бирок, нима бўлганда ҳам ҳозирги кунда О.Улжаеванинг фикру ёди учалла дилбандини бекаму ёди угайтиришга қаратилган. Дилбандлар эса кўкка қилиши лозим эди. Аммо у хотинига битта миҳни ҳам раво кўрмади. Қонун эса бунга йўл қўядими?

Кўп жиҳатларни ўйлаб, Улжаевлар истиқомат қиладиган маҳалла сари йўл олдим. Остонада менга сочларига оқ оралаган аёл пешвоз чиқди. Олмаҳоннинг онаси мақсадимни эшитиб, таъби бузилди. Кўзларида ёш айланди:

— Уша зорманда ҳовлига қизим ҳам, мен ҳам зор эмасмиз. Лекин Нигоранинг оиласи ҳақсиз азобланапти. Жўжабирдай жон ҳамон кўчада. "Сотиб олган уйларингга бориб яшайверинглар", дегимиз келади. Аммо, кўёвим Олимнинг қилаётган ишлари бунга имкон бермаяпти.

Юқорида айтганимиздек, бировнинг ҳақи бировда қолмаслиги керак. Айшни нодон суриб, қулфатни бошқалар тортаверар экан, адолат биздан ўз йўриб кетаверади.

Иттифоқо адвокат Ф.Исақовга дуч келиб қолдим. У ҳундун кайфиятда чарм папкасини очиб, бир қанча қозғаларни тутказди. "Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори" деган ёзувини ўқийшим билан гап Шариповлар даъво аризаси ечимини ҳақида эканлигини тушуниб етдим.

— Энди иш қарорининг ижро этилишида қолди, — деди ҳимоячи мамнуният билан.

Ораддан чамаси икки ойча вақт ўтгач, ишхонамга Шариповлар кириб келишди. Уларнинг айтишича, даъво ариза Каттақўрғон шаҳар судида қўрилаётган паллада, туман судида О.Сайфиевнинг ва унинг собиқ турмуш ўртоғи О.Улжаева ўрталаридаги низоли ишларга нўқта қўйилаётган экан. Иккала масаланинг ўзаро боғлиқлиги

инобатга олиниб, "иш"лар туман судига ўтказиладиган бўлибди.

Шундай қилиб, 2000 йилнинг 29 май кун Каттақўрғон туман судида, 20 июлда вилоят судида суд мажлиси ўтказилиб, ҳал қилув қарорлари чиқарилди. Қарорлар мазмунан бир-бирига икки қош каби ўхшаш. Фақат... Шариповларнинг уй-жойларига кириш масаласи тўлақонли кўрсатилмаган. Изоҳ беришларича, ҳал қилув қарорининг "...қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин", деган жумласи талаб қилинган мазмун ўроқ вақолатини берар эмас. Балки шундай-дир. Аммо, суд ижросини учун "гапнинг эгаси" кўрсатилмаган ҳал қилув қарорини амалга ошириш осон кечармикан?

Ушбу фикр ҳаёлимдан ўтар экан, бу каби эга-кесими очик қолган расмий қозғалар адолатдан умидвор бир оила учун ҳеч қачон бошпана бўлолмаслигини тушуниб етдим. Шу сабабли бор ҳақиқатдан Самарқанд вилоят суди раиси С.Турсуновни хабардор қилдим. Уша кунийк ҳал қилув қарорининг ўзгаришсиз қолдирилган қисми ижроси таъминланиши сўралган хат Каттақўрғон тумани сари йўлга чиқди. Ана шундан кейингина туман суди қайта қабул қилган ҳал қилув қарорининг эгаси аниқ кўриниб қолди: "Даъвогар Шарипов Азимнинг жавобгар Улжаева Олмаҳонга нисбатан, уй-жойга мажбурий равишда киритиб қўйиш ҳақидаги даъвоси қаноатлангирисин. Даъвогар Шарипов Азим турмуш ўртоғи ва беш нафар фарзанди билан биргаликда Қозоқовул қишлоғида жойлашган уй-жойга мажбурий равишда киритиб қўйилсин". Шариповлар ушбу қарор қўчирмасини чўнтакка солиб, ҳар кун туман судига боришади. "Ижро" вақтини билишга ошиқадилар. Уларнинг "эрта-индин" дейиши билан эса ораддан ана уч ярим ой ўтиб кетди...

Эндиликда, вилоят адлия бокс-армаси, вилоят судининг фуқаролик ишлари хайъати назоратида бўлган мазкур низо тақдирини балким ҳал этилар... Аммо, мақолани ёзишдан бошқа бир мақсад ҳам бор: айрим судларда нима учун кундай равшан масала юзасидан ҳақ сўзини айтиш мавзуда тилга олганимиздек чўзилиб кетади? Бунинг оқрасидан оғзаб фуқароларнинг сарсон-саргардон юришлари қачон чек қўйилади?! Аслида, мени уйлатган саволлар ҳам мана шулар эди...

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
"Ҳуқуқ" муҳбири

ИНТЕРКРИМИНАЛ

ОДАМХҲР ИТЛАР

БИЗ эртақларда кўп марта одамхўр махлуқлар ҳақида ўқиганмиз, одамхўр итлар ҳақида эса камдан-кам эшитганмиз. Албатта бундай воқеанинг реал ҳаётда рўй беришини тасаввур қилиш қийин.

Таллин яқинидаги Тянассильма қишлоғида даҳшатли воқеа содир бўлди. Эндигина қишлоқдан чиққан аёлга қутурган итлар ҳужум қилишди. У одамларни ёрдамга чақаришга ҳам улгуролмай қолди. Ҳеч қанча вақт ўтмай итлар аёлни гажиб ташладилар.

Ҳожеадан хабар топган қишлоқ ахли полицияга хабар қилди. Миршаблар келганда бечора аёлнинг кийим-бошлари 20 метр доира атрофида сочилиб ётар, ўзидан эсон-нишон қолмаганди.

Полициячилар биргина итни отиб ўлдиришди, холос. Қолганлари ўрмонга қочиб кетишди.

Эстонияда бундай янчилик воқеа содир бўлиши биринчиси эмас. Бир йил аввал Тарту қишлоғида 10 яшар бола ҳам итларга ем бўлган эди.

ЖАНЖАЛКАШНИНГ ҚИЛИМИШИ

ҲОЗИРГИ вақтда кўпгина давлатларда ишсизлик жиқдий муаммога айланиб бораёпти. Эйтироф этиш керакики, бу ҳол инсон психологиясига салбий таъсир қилиб, кўпгина жиноят содир этилишига олиб келади. Шундай воқеалардан бири Россиянинг Петрозаводск вилоятида рўй берди.

Кеч соат саккиз яримларда Кем-шаҳар "Вокзальный" кўчасидаги кўп қаватли уйнинг йўлгадаги кучли портлаш аҳолини даҳшатга солди. Дастлаб кўпчилик портлашнинг террорчилик амалга оширган бўлса керак, деган ҳаёлга боришди. Аммо воқеа улар йўлаганидек бўлиб чиқмади.

Ҳеч қаерда ишламай юрган 43 ёшли эркек онаси билан жанжаллашиб қолиб, ўзининг нималарга қодир эканлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлди. Уйда яширинча сақлаб юрган портловчи модданинг юз граммини махсус мосламага солиб, электр тармоғига улаб, ўзи қочиб қолди.

Портлаш оқибатида панел уйнинг деворлари зарар кўрган бўлса ҳам ағдарилиб тушмади. Аммо кучли зарбдан эшиклар ва дераза ойналари майдаланиб кетди. Бахти бор экан, хонадонларда яшовчилар шикастланмади.

Полициялар томонидан жанжаллаш йиғитнинг уйи тинтув қилинганда яна 50 грамм портловчи модда топилди.



Ватан ҳимоячилари шахмат «жанги» да.

Р.НУРИНБОВЕВ олган сурат

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ШАРҲЛАР



ВАЪДАГА ВАФО ҚАНИ?

Сербия бош вазири Зоран Жинджич Вашингтонга ташири чотида яқин кунлар ичида Югославиянинг собиқ президенти Слободан Милошевич ишнини ўрганувчи судьялар таркиби аниқ бўлишини, шунингдек ушбу иш бўйича айбловни олиб борувчи прокурор ҳам тайин бўлишини маълум қилган эди.

Унинг фикрича, айблов иши икки ҳафтага чўзилиши кутилмоқда. Аммо Милошевич ҳарбий жиноятларни содир этганлигида айбланадими-йўқми, бу ҳақда Жинджич оғиз очмади. У АҚШнинг янги давлат котиби Колин Пауэлло билан бўлган учрашувдан сўнг журналистларга интервью берар экан: "Милошевич дастлаб серб суди олдида жавоб бериши керак. Шундан кейингина унинг ишнини Гаагадаги халқаро трибуналга ошириш ҳақида ўйлаб қуриш мумкин", дея очиқ-часига эътироф этди.

Аммо АҚШлик икки сенатор Жозеф Либерман ва Жон Маккейнлар Белградга келиб-кетган бош вазирининг баённомаси ўз аҳамиятини йўқотгандай бўлди. Гап шундаки, сенаторлар президент Коштуница билан бўлган учрашувдан кейин АҚШ томонидан берилиши кўзда тутилаётган молиявий кўмакнинг дастлабки қисми Гаагадаги ҳарбий трибунал билан Югославия ҳукумати ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилганидан кейингина берилишини маълум қилишди. (Молиявий кўмакнинг биринчи қисми 100 миллион доллар деб белгиланган) Табиийки, Югославия ушбу кўмакдан воз кечолмайди. Айтиб ўтиш керак, Югославиядаги президентлик сайловлари АҚШ ҳукумати агар Коштуница мамлакатга президент этиб сайланса, молиявий кўмак берилишини ваъда қилган эди. Ваъданинг эса бажарилиши вақти ўтиб бормоқда.

ХОРИЖЛИК ТЕРРОРЧИЛАР

Ўтган йили Саудия Арабистонининг пойтахти, Арабистон ярим оролининг энг аҳоли зич шаҳарларидан бўлган Ар-Риёдда номаълум кишилар томонидан портлаш содир этилган эди. Бу портлаш оқибатида саудиялик фуқаролардан бири ҳалок бўлган ва кўплаб кишилар тан жароҳати олишган эди.

Яқшанба куни мамлакат ички ишлар вазири ўз ходимлари томонидан англиялик, канадалик ва белгиялик 3 кишининг ҳибсга олинганлигини маълум қилди. Вазир мамлакат телевиденияси орқали чиқишида бу уч хориж фуқаросининг пойтахтдаги ўтган йилги портлашларда қўли борлигини айтиб ўтган. Вазир баёнотидан кейинроқ ҳар учна гумондор Саудия телевиденияси орқали узатилган кўрсатувда ўзларига қўйилаётган айбловда асос борлигини эътироф этишган.

130 МЛРД. ДОЛЛАРЛИК ЛОЙИҲА

Сир эмаски, коинотни ўзлаштириш борасида Америка Кўшма Штатлари россияликларни анча ортда қолдириб, соҳада пешқадамликни кўлга олди. Бундан илҳомланган океан орти олимлари ҳарбий-техника йўналишидаги икки давлат ўртасидаги мувозанатни бузишга аҳд қилдилар. АҚШ томонидан бешинчи авлодга мансуб «Яроғ зарбали қирувчи» (Joint Strike Fighter) самолётини яратишга киришишдан кўзланган асосий мақсад ҳам ана шунда эди.

«Стелс» технологияси асосида қуриладиган янги самолётни лойihalаштириш хусусида ҳозирда Lockheed Martin ва Boeing компаниялари мутахассислари бош қотиришга тайёр турибдилар. Тажикот ишлари ва синовларни ўтказиш учун тахминан 130 млрд. доллар сарфланиши хомчўт қилинмоқда. Агарда президент Жорж Буш ҳарбийларнинг режасига хайрихоҳлик билдириб, JSFни яратиш учун маблағ ажратишга розилик билдирса, муҳандислар энг шимариб амалий ишга киришадилар.

Маълумотларга кўра, JSFнинг соф оғирлиги моделига қараб 10 тоннадан 11 тоннагача бўлиши мумкин. Бу қирувчи самолёт 27 тоннагача юк билан ҳавога кўтарила олади. Самолёт қилимча бакларсиз 7 тонна ёнилги олиб, 1100 километр радиусгача бўлган ҳудудларда жанг олиб бориш имконини беради. «Яроғ зарбали қирувчи» «тишторноғигача» қуруллантирилганда қурол-аслаҳаларнинг оғирлиги 6-7,5 тоннага етади. Янги самолётнинг яна бир афзаллик томони шундаки, у ҳам вертикал, ҳам горизонтал учиш-қўниш хусусиятига эгадир.



Лойihalаштириш ва синов ишлари муваффақиятли яқунланса, JSF 2008 йилдан АҚШ армияси сафига киритилади.

Америкаликларнинг бундай катта ишга қўл урганликлари, россиялик ҳарбий олимлари ҳам улкан ишларга ундамоқда. Рус ҳарбийлари самоддаги ҳуқуқронлиги осонликча бой бермасликларига шубҳа йўқ, лекин давлат уларни етарли маблағ билан таъминлай олармикан?



Ўтган душанба куни Москва метрополитенининг «Белорусская - Кольцевая» станицасида кучли портлаш рўй берди. Охириги маълумотларга кўра, мазкур қўпроқчилик ҳаракати натижасида 15 га яқин одам қурбон бўлган.

ТАШВИҚОТЛАР ТЎХТАТИЛДИ

Исроилда Бош вазир лавозими учун бўладиган сайловларгача сайловолди ташвиқотлари расман тўхтатилди. Шундай бўлса-да, жойларда ҳали-ҳануз ҳозирги бош вазир Ёхут Барак тарафдорлари ва унинг курсисига давъогоар Ариэл Шарон тарафдорлари ўз йўлбошчилари номзодини ташвиқ қилишда давом этмоқда.

Мамлакат аҳолиси фикрини ўрганиш мақсадида социологлар томонидан ўтказилган сўровлар натижаси ҳозирги бош вазир муҳолифидан сезиларли даражада кам овозга эга бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда. «Лихут» партияси ўнг блок лидерлари, ашаддий сионист Ариэл Шарон бундай муваффақиятга мамлакатдаги ортодоксал диний уюшмалар намоёндалари томонидан қўллаб-қувватланганидан кейин эришди.

Лекин барибир ҳозирча ким галиб қилиши ҳақида аниқ бир нарса дейиш қийин. Фаластинликлар бу нуфузли лавозимга Фаластин муаммосига виждонан ёндошадиган, минтақадаги кескин вазиятни ижобий ҳал қила оладиган номзоднинг сайлини тарафдори эканлигига эса ҳеч бир шубҳа йўқ.

Хабарларни хориж матбуоти асосида Саидазим ҲОЗИЕВ тайёрлади

ҲУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ МУРОЖААТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси томонидан Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти ҳудудларида айбни оғирлаштирувчи ҳолатларда бир неча аёлларни қасддан ўлдирган Баҳодир Камолович Эгамбердиевга нисбатан жиноят иши тергов қилинмоқда.

Тергов жараёнида ушбу шахс асосан Тошкент шаҳрининг Сирғали туманидан енгил табиатли аёлларни ўзаро келишув асосида ўзини қизил рангдаги ВА3-2103 русумли давлат белгиси 8258 ТШУ бўлган автомашинасида олиб кетиб, уларни бўйи ўлдириб, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ҳудудларига ташлаб кетганлиги аниқланган.

Б.Эгамбердиевнинг қурбонлари орасида учта аёлнинг шахси ҳамон номаълум бўлиб турибди.

Жумладан, 1999 йил 11 июнь куни Тошкент вилояти, Оҳангар тумани, "Янги ҳаёт" жамоа ҳўжалиги ҳудудида жасади топилган номаълум аёл кишининг шахси.

Белгилари: ёши тахминан 18-25 ларда, бўйи 163-165 см., тўғри тана тузилишида, сочлари кўнгиранганда, юзлари юмалок, қошлари ёйсимон, лаблари қалин, қулоқлари ўртача катталиқда, ўнг қўлининг билагига

кўнгирангли ип боғланган.
Алоҳида белгилари: чап қўлининг биллак қисми ички томонидан бир неча 2 x 0,2 см.дан 7 x 0,2 см. атрофидаги ўткир-кесувчи предмет билан етказилган эски чандиклар мавжуд.

Кийимлари: эғнида қора рангли капрон материалдан тикилган, олди қора тугмалли, энги узун ёғзи кўйлак, энгида 2 тадан тугмалари бор, остида оқ рангли пахта матодан тайёрланган аёлларнинг ёғзи энгисиз кўйлаг, кўйлакнинг олди томонидан 5 см. кенликда 5 та сарик, қизил, сиёҳ ранг, кўк рангдаги чизикча бор. Кўйлакнинг кўкрак қисмига юрак тасвирига ўхшаш белги ва унинг ичига катта ҳарфлар билан "КИСС" сўзи ёзилган. Қора рангли жинси матодан тикилган калта шим (шортик) кийган, шимнинг олди қисми занжирили, олдида ва орқасида иккитадан чўнтаги бор, шимнинг орқа ўнг тана қисмида чарм материалдан белгиси бўлиб, унга "CARDINAL" ва "INTERNATIONAL JEANS" деб ёзилган.

1999 йил 13 июль куни Тошкент вилоятининг Южоричирқик тумани "А.Яссавий" номи жамоа ҳўжалиги ҳудудида шахси номаълум аёл кишининг жасади топилган.

Белгилари: ёши тахминан 20-25 ларда, Европа миллатига мансуб, бўйи 155-160 см., озгиндан келган, сочлари сарғиш рангда калта қилиб кесилган, юзлари чўзинчок, қошлари ва киприклари сочининг рангида, қулоқлари ва бурни ўртача катталиқда.
Алоҳида белгилари: чап қурак қисмида ёнма-ён жойлашган уч дона холи бор, чап қўли тирсақ бўғимининг ички юзасида чизиксимон шаклда узунлиги 5 см., атрофидаги ўткир кесувчи предмет билан етказилган эски чандик, ўнг қўлининг худди шундай жойида аналогик шаклдаги 4-5 см., узунлигидаги иккита эски чандик бор. Киндиги остида 10-12,5 см., узунлидаги хирургия чок изларидан қолган чандик мавжуд.

Кийимлари: эғнида оқ сарғиш рангли суний матодан тикилган аёллар шими бўлган.

1999 йил 25 июль куни Тошкент шаҳри, Бектемир тумани ҳудудидаги "Иргидромаш" заводи олдида шахси номаълум аёл кишининг мурдаси топилган.

Белгилари: ёши тахминан 25-30 лар атрофида, Европа миллатига мансуб, бўйи 160-165 см., атрофида, тана тузилиши тўғри, сочи кўнгиранганга бўялган, юзи думалок,

қоши ва киприклари тўқ жигарранг, бурни тўғри, ўртача катталиқда, оғзи катта, қулоқлари ўртача катталиқда.

Кийимлари: ярим синтетика матодан ишланган оқ кулранг кофта, тўқ кулранг жинси шимда бўлган.

Тергов ишдорлари Б.Эгамбердиев томонидан бошқа жиноятлар ёки қонунга хилоф ҳаракатлар содир этилган бўлиши мумкинлигини ҳам тахмин қилмоқда. Шу сабабдан, ушбу шахс томонидан содир этилган ҳар қандай ноқонуний ҳаракатлар ҳамда жиноятлар ҳақида ушбу ҳаракатлардан жабр кўрган ёки тергов органларига ёрдам бериши мумкин бўлган бошқа биров-бир маълумот юзасидан, юқорида белгилари кўрсатилган шахси номаълум аёлларни таниган ёки қурганлар бўлса, қуйидаги телефон рақамлари орқали Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг жиноятларни тергов қилиш бошқармасига хабар беришингизни сўраймиз.

Телефонлар:
133-35-19, 133-59-01,
137-25-91, 137-25-92;93;94.
Ўзбекистон Республикаси
прокуратурасининг тезкор-тергов гуруҳи

Исроил ИБРОҲИМОВ

ХАВФЛИ ҚОЧОК

(қиссадан боблар)

(Бошланиши ўтган сонларда.)

Хуршид шу чоққача тузукроқ разм солмаган экан. Сонянинг тор, калта камзулчаси, келишган қадди-қоматини кўз-кўз қилаётгандай, малла сочларига ярашган кипригу қошлари, мовий кўзлари, билинар-билинимас дид билан бўялган, ҳар доим сал очилиб турадиган қалин лаблари ўз оғушига чорлаётгандай эди. Хуршид унга илк бор аёл сифатида қараётганди.

Бухгалтер аёлларга хос сезгирлик билан Хуршиднинг бошқача назаридан ноқулай аҳволга тушиб, камзулчасининг этагини тортиб, кўкракларигача очик кўксини кафти билан тўсди.

— Бекор гап, ким айтди, — деди Хуршид кўзини олиб қочиб.

— Манам Холидага ишонмай ўринбосарга учрадим. Рост экан!

— Оббо, тагин ёғлаш керакка ўхшайди. Ёмон ўрганишди-да! — деди бўғилиб Хуршид.

— Бўпти, ҳаммага жавоб!

Илбс билан Шариф зўрга турган экан, бир пасда қоралари ўчди.

— Сиз қолинг, — деди Хуршид ёмғирлўшини кияётган Соняга. У бошлиққа савол назари билан боқди. Бошлиқ сейфдан икки тахлам пул олиб столга иргитди-да:

— Обориб бериб, хисобни очтиринг! — деди.

Соня гулли палосда ётган пулни олишга энгашганда Хуршид унинг оппоқ сийналаридан кўзини узолмай, ютинди. Столни айланиб ўтиб, қаддини ростлаётган бухгалтернинг билаларидан ушлаб, ўзига қаратди. Нозаниннинг ишққа ташналигини сезиб, ҳансираганча юз-кўзларидан ўпа бошлади...

Эшик кўнгириги жириглаганда Хуршид кийиниб олиб, сочини тараётган, Соня эса ваннада чўмилаётган эди. Оташдай қайноқ ишқ майига конган, унинг лаззатидан ҳамон боши айланаётган Хуршиднинг мулоҳаза қилгудай ҳоли йўқ эди. Эшикни очди-ю, нима дейишини билмай гудранди. Остонада Мунира турарди. У иши, ишхонаси билан шу пайтгача тарихқа қизиқмаган, "офиси" қаердалигини ҳам суриштириб кўрмаган хотинини қандай шамол учирганини билолмай гаранг эди.

— Нима, шунақа тураверамизми, — деди қошларини чимириб Мунира.

Хуршид йўл бўшатди. Мунира "офис"нинг залидаги диван ёнида сочилиб ётган камзулга, ичкўйлак, сийнабандаларни кўриб дод-фарёд солмади, эрига ташланиб, юз-кўзларини юмдаламади. "Ростакан", деб пичирлади-ю, кўзларидан ёш юмалади. Хуршид нима қилишини, нима дейишини билмай қолди. Қизариб, бўзарди. У эндигина оғиз жуфтлаганда, ваннахонадан шир яланғоч Соня чиқиб келди.

— Кўйлакларини узатвор, — деди Мунирани кўрмай. Мунира диван ёнидаги кўйлак-камзулни чангаллаб олганича "малласочнинг" юзига отди-ю, хўнграб, ташқарига югрди...

— Бўлар иш бўлди, — Хуршид қўлини силтади. — Бир томони, билгани яхши. "Кундошига" чидаса яшайди, бўлмаса катта кўча!

— Мен-чи, мендан сўраб кўрдингми, — деди нозланиб Соня. — Сенга ҳали иккинчи хотин бўлганимча йўқ шекилли!

— Бўласан-да! Бўлмай қаяққа борардинг!

Хуршид ўзини йўқотмай, атир совун ҳиди таралаётган таннознинг белларидан кучоқлаб, лабларидан ўлди.

Соня бошлигининг ҳушини жойига келтириб, шоша-пиша кийиниб-таранди.

— Ҳали банкгаям улгуришим керак...

— Биттасини берсанг бўлади, — бўйруқ оҳангида деди Хуршид. — Биттаси ўзингга. Уйга ул-бул оларсан!

— Раҳмат! Зўр сумкача кўргандим. Шунақа чиройли!

Хуршиднинг кўнгли гап, ичига чирок ёкса ёришмасди. Ўзига ўзи қанчалик тасалли беришга уринмасин, Мунирадан айрилиб қолганини сезарди.

Хуршид уйига телефон қилди. Телефон гўшаги узун-узун дудуллаб тураверди. "Болалар кўчадан кемаган. У ҳам йўқ, бўлсам, атайлаб жавоб бермаяпти". Агар Мунира жавоб берганида ҳам, нима дейишини ҳали ўйлаб кўрмаганди. Бироқ шуни яхши билардики, паст келса, ялинчок оҳангда сўзласа, авжига минса минадики, гапга кўнмайди. Фақат қамчидай жижиллатадиган гап билангина йўлга солиши мумкин...

Телефон жиринглаб, хаёлини бўлди.

— Ҳа. Э-ҳа, яхшими? Ишлар қалай? Неччига? Бўпти-бўпти! Бирон хизмат бўлса, бемалол! Хўп! Омон бўлсинлар!

"Чинор таги" чойхонаси баъзан ошна-оғайнилар тўпланадиган "пака" эди. Хуршид чойхонага етиб борганида, дастурхонга қўй ёғининг жиъзасини келтириб қўйишаётганди. Шисалар очилган, бироз қизариб олишга улгуришганди.

— Ке, ўтир, томогингни хўллаб кўяйлик!

Хуршид карта ўйнаб бирон марта ютмаган, бироқ ўйин завқи ўзига чорлайверарди. Худди кашанда қаби, ўйнамаса хумори ёзилмасди. Уни яхши билган картадаги "рақиблари" ҳамма ютиб суюнса, Хуршид ютқазиб маза қилади", деб кулишарди. Хуршиднинг қизиққонлигини яхши билган шериклар ҳар доимгидай, унинг қонини жўш урдириш учун, бошланишида уч-тўрт "қўл" тушиб беришди. Негадир, ҳозир унинг кайфияти чаток, бу меъёрини унутганидан билиниб турарди.


Пиллани бўшатиб "закуска" қилишга улгурмай, бу гал "рулда" бўлган Учкунни шоширди:

— Тўлдириб-тўлдириб қўй, чоймас бу, совуб қолмайди!

— Пиллани орқасигаям қўйиб бераман, — ҳазиллашди Учкун. — Мунча типирчилайсан!

Ош сузилганда Хуршиднинг кайфи анча таркаган, бироқ "бўшалиб кетган" ҳовлиқманинг бўйнига картанинг "пирлари" каттагина қарзни илиб қўйишганди.

КРОССВОРД



ЭНИГА:

1. Канарейка ватани бўлган орол. 4. Доимий яшил дарахт. 6. Венесуэла пул бирлиги. 9. Тандирда нон ёпиш учун ишлатиладиган қўлқоп. 10. Ватан бошланадиган жой. 11. Япония рамзи бўлган дарахт. 12. Ой номи. 13. Энг узун чувалчанг. 14. Ноёб тошларни ўлчашда ишлатиладиган ўлчов бирлиги. 15. Вазиятдан келиб чиқадиган талаб. 17. Осиёдаги энг катта шаршара. 19. Энг серсув дарё. 21. Ёмғирлар мавсуми. 24. Деворий сурат тури. 27. Австралиядаги энг баланд тоғ. 28. Механизмларда илгариланма ҳаракат узатувчи ричаг. 31. Мусикада биринчи ва тўртинчи пардалар оралиги. 34. Ернинг чуқур қатлами ичида ҳосил бўладиган суюқ модда. 36. Маъноли, қисқа ҳикматли сўз. 38. Коучқудан олиннадиган эластик материал. 39. Француз драматурги. 40. Пешонага ёзилган кўргилик. 41. Корхона, идора, ... 42. Сувда ўсадиган кўп йиллик ўсимлик. 43. 19 асрда яшаб ижод қилган ўзбек мумтоз шоирларидан бири. 44. Бадиий ва илмий адабиётларга бериладиган танқидий баҳо.

БЎЙИГА:

1. Иқтисодда, бирор соҳада танҳо ҳукмронлик. 2. Йирик тош блокларидан ясалган мақбара. 3. Таназул, инкироз, ... 4. Мўйлови ўзидан узун. 5. Қабиҳ, жирканч иш. 6. Ўта қаттиқ жинслардан ташкил топган қатлам. 7. "Махаллий" маъносидаги термин. 8. Ўзи битта, кўзи мингта. 16. Энг машҳур шаршара. 18. Ғам, дард, ... 19. Номозга чақирғи. 20. Ойнинг иккита бир хил фазаси. 22. Овоз, ун, нидо, ... 23. Ҳийлага уста, доғули аёл. 24. "Лисонут-тайр" дostonида қушлар кўрган охири водий. 25. Одамдаги тўқима. 26. Қарагай ажратадиган модда. 29. Фортопиано типидagi гармон. 30. Истеҳзоли ... 32. Кампучия пул бирлиги. 33. Ер шарининг шимолӣ кутби. 34. Мотам маросимларининг йиғиндиси. 35. Уран рудасида бўладиган радиактив элемент. 36. Ҳарфларнинг тартибли жойлашуви. 37. Турли чизма, расми кўпайтирадиган аппарат.

Тузувчи: Ё. БЕРДИЕВ

ШУНАҚА ГАПЛАР

ФУТБОЛ ВА МИЛЛИЙ ҒУРУР

Якшанба куни Сеулда Жанубий корейлик футбол ишқибозлари томонидан унча катта бўлмаган намойиш уюштирилди. Намойишчилар 2002 йилда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионати (чемпионат Япония ва Жанубий Корейда бўлиб ўтади) ташкилотчилари режасига ўз норозиликларини билдиришди. Мусобақа эмблемасидаги "Корейя" атамаси "Япония" атамасидан кейин ёзилгани корей футбол ишқибозларининг нафсониятига бироз тегиб кетган кўринади. Шу сабабли Сеулдаги Япония элчихонаси олдида йиғилган намойишчилар бу ҳолатни "корей халқининг японлар томонидан камситилишининг янги кўриниши" деб баҳоладилар ва эмблема тарҳига ўзгартириш киритишни талаб қилдилар.

104 Ёшли ГЎДАК

104 ёшли Татаристон фўқароси Мария Васильева кейинги юз йил ичида буғунгидек хурсанд бўлмаган бўлса керак. Бундай дейишимизга сабаб, ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг, кампиршонинг милкларидан янги тишлар ўсиб чиқмоқда! Стоматологларнинг сўзларига қараганда ҳозирча 3 та янги тиш ўсиб чиққан.

Мария Васильеванинг бу ҳолатдан, айникса ширин кулчани тишлаб-тишлаб ёйиш имконияти яна қайта туғилганидан кайфи жуда чоғ. Врачлар эса инсон организмидagi бундай ўзгариш яқин орада кузатилмаганлигини тақрорлашдан нарига ўтишолмаяпти, ҳозирча.



Қиш манзараси.